

## DEVELOPMENT OF STRATEGIES FOR EXPORT OF AGRICULTURAL PRODUCTS TO INTERNATIONAL MARKETS

TSUE "Management" department master  
Baratov Sirojiddin Ghairatulla ugli

**Abstract.** This article provides information on the industrialization of the agrarian sector and the mechanism of production of competitive and exportable products with high added value in the agrarian sector. This article covers the development of strategies for the export of agricultural products to international markets.

**Keywords.** Globalization conditions, international market, competitive product, competitive advantage, strategic goals.

## РАЗРАБОТКА СТРАТЕГИИ ЭКСПОРТА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ НА МЕЖДУНАРОДНЫЕ РЫНКИ

Мастер кафедры ТДИУ «Менеджмент»  
Баратов Сирожиддин Ғайратулла угли

**Аннотация.** В данной статье представлена информация об индустриализации аграрного сектора и механизме производства конкурентоспособной и экспортоориентированной продукции с высокой добавленной стоимостью в аграрном секторе. В данной статье рассматривается разработка стратегии экспорта сельскохозяйственной продукции на международные рынки.

**Ключевые слова.** Условия глобализации, международный рынок, конкурентоспособный продукт, конкурентное преимущество, стратегические цели.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО БОЗОРЛАРГА ОЛИБ ЧИҚИШ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

ТДИУ “Менежмент” кафедраси магистри  
Баратов Сирожиддин Ғайратулла ўғли

**Аннотация.** Ушбу мақолада аграр соҳани саноатлаштириш ва аграр соҳада юқори кўшилган қийматга эга бўлган рақобатбаордош ҳамда экспортбоб

маҳсулотларни ишлаб чиқариш механизми тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ушбу мақола қишлоқ хўжалик маҳсулотларини халқаро бозорларга олиб чиқиш стратегияларини ишлаб чиқиш масаласини ўз ичига қамраб олган.

**Калит сўзлар.** *Глобаллашув шароити, халқаро бозор, рақобатбардош маҳсулот, рақобат устунлиги, стратегик мақсадлар.*

Глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги тармоғи аҳолини озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хомашё билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро статистика маълумотларига кўра, жаҳон аҳолисининг охириги 20 йилликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжлари ўртача йилига 5-7 фоизга ўсиб бормоқда. Ушбу жараёнда Европа Иттифоқи давлатлари, АҚШ, Япония ва Исроил давлатлари тажрибаларида тармоқда ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, иқтисодий самарадорлигини ошириш, илғор инновацияларни жорий этиш, тармоқни иқтисодий-статистик тадқиқ этиш орқали қабул қилинган давлат дастурларини ижросини таъминлаш, уларни тизимли шакллантириш, аграр секторни кластерлаш каби замонавий шаклларда хўжалик юритиш амалга ошириб келинмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида олиб борилаётган тадқиқотларда аграр секторни иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Аммо таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши аҳоли сони ва уларнинг талаблари ўсишидан орқада қолаётганлиги мазкур масала ўз илмий ечимини топа олмаётганлигини кўрсатади. Шу жиҳатдан ҳам аграр секторни барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнларини ихтисослаштириш, замонавий инновацион технологиялар ва услубларни қўллаш орқали хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий самарадорлик даражасини ошириш, уларнинг фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик тадқиқ этиш, рақобатбардошлигини таъминлаш юзасидан илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш асосий йўналишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Жаҳондаги глобаллашув шароитида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғида таркибий-тузилмавий ўзгаришларни чуқурлаштириш орқали қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш самарадорлигини изчил ошириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлаш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза ва халқаро стандартларга мувофиқ маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришни рағбатлантириш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш энг муҳим вазифалардан бири саналади.

Сўнгги йилларда пандемия шароитида кузатилаётган сув танқислиги, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг жаҳон бозорида муттасил ошиб бораётганлиги муносабати билан, республикада озиқ-овқат экинлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини янада ошириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда турларини кўпайтириш, бугунги кунда долзарб масала бўлиб турган – аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган меъёр даражасини тўлароқ қондириш, пировард натижада қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Бизнинг фикримизча, аграр секторнинг асосий афзаллик жиҳати 90 дан ортиқ бўлган муҳим иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожланиши учун манба бўлиб хизмат қилади. Айниқса, саноат тармоғининг иқтисодиётини ривожланишини, яппи қўшилган қийматини қишлоқ хўжалиги тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунингдек, аҳолини тоза, сифатли озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда тармоқнинг ўрни юқори саналади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясида қўшилган қиймат занжирининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Маҳсулотларни даладан якуний истеъмолчигача етказиб бериш, яъни йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва сертификатлаш харажатларининг

юқорилиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан олинадиган фойдани камайтиради.

Озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноатининг паст даражада ривожланганлиги юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини чекламоқда.

Инфратузилмани ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш мақсадида тараққий этган молиявий бозорлар, қулай ишбилармонлик муҳити, шунингдек, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш-сотиш занжирларини ривожлантиришга қаратилган чораларни кўриш талаб этилади.

Экспорт қилинадиган мева-сабзавотларнинг асосий қисмини ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликларида маҳсулотларни қайта ишлаш ва қадоқлаш имкониятлари чекланганлиги катта йўқотишларга олиб келмоқда. Шунингдек, нархларнинг мавсумий кескин ўзгариши ва бозор шароитларининг барқарор эмаслиги ҳам улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда кичик ишлаб чиқарувчилар томонидан турли молиявий манбалар, шу жумладан халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобидан замонавий омборхоналар ва қайта ишлаш ускуналари учун инвестициялар йўналтирилмоқда. Шунга қарамадан улар қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлардан ажралиб қолмоқда.

Кичик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини бирлаштиришнинг самарали механизмлари тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли, уларнинг фаолияти тарқоқлигича қолмоқда. Бу эса юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишга тўсқинлик қилмоқда ҳамда қўшилган қиймат занжирларига бирлашиш имконини чекламоқда.

Таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатлар (Европа Иттифоқи, АҚШ, Канада) бозорларида кооперативларнинг улуши 40 фоиздан ошади, Ўзбекистонда эса бу йўналиш эндигина ривожланмоқда.

Халқаро стандартлар ва сифат талабларига жавоб берадиган лабораториялар, улгуржи бозорлар ва логистика марказлари, шунингдек,

божхона ва чегара масканларида мева-сабзавот маҳсулотларини фитосанитария назоратидан ўтказиш учун жиҳозлар етишмовчилиги кузатилмоқда.

Бу ўз навбатида етиштириладиган ва сотишга чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини ошириш, қўшилган қийматни кўпайтириш, экспорт географияси ва маҳсулот турларининг диверсификация қилинишига тўсқинлик қилмоқда.

Санитар ва фитосанитар назорат миллий ҳуқуқий базасини Жаҳон савдо ташкилоти талаблари ва мақсадли ташқи бозорлар стандартлари билан мувофиқлигини таъминлаш орқали қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш зарур.

### **Список использованной литературы**

1. Саидов Машъал Самадович (2023) Электр энергетика тармоғини бошқаришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. 1/2023, yanvar-fevral (No 00063). <https://iqtisodiyot.tsue.uz/journal/index.php/iit/article/view/195/228>

2. Saidov Mashal Samadovich (2023). Ways of Introduction of Modern Management Mechanisms in the Electric Power Sector of Uzbekista. International Journal of Business Diplomacy and Economy Volume 2, No 1 | Jan- 2023. P. 98-110.

3. DJURABAEV O. Formation of model beekeeping facilities and modernized interindustrial communications in human bearing management //Архив научных исследований. – 2020. – №. 11.

4. Djurabaev O. Methods of the process approach in management and determination of the criterion of technological efficiency of beekeeping farms: methods of the process approach in management and determination of the criterion of technological efficiency of beekeeping farms // Archive of scientific research. - 2021. - Т. 1. - No. 1.